2009 йил 30 июль, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 149 (11.460)

Баҳоси эркин нархда




*«Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир»*

**Пойтахтимизда ўрта махсус ўқув юртлари битирувчилари ҳамда банд бўлмаган аҳоли учун умумшаҳар бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилмоқда. Унда турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар юзлаб мутахассисликлар бўйича 21 мингдан зиёд вакант жойларини таклиф этмоқда.**



Ижтимоий дастур

## Бўш ўринлар ярмаркаси:

# ИККИ ТОМОН МАНФААТЛАРИ ИФОДАСИ







Авваламбор шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбир Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида икки кун давом этади.

— Бу йили туманимиз ҳудудида жойлашган бешта касб-ҳунар коллежини 1604 нафар ўғил-қиз тугаллаган бўлса, шулардан 688 нафари иш берувчилар билан олдиндан тузилган шартномалар асосида ишга жойлашишга муваффақ бўлишди. 590 нафари эса ҳозирда олий ўқув юртларига кириш тараддудида, – дейди Юнусобод тумани бандликка кўмаклашувчи марказ директори Нозима Сулаймонова. — Битирувчиларимизнинг деярли 20 фоизи республикамиз вилоятларида истиқомат қилишлари сабабли, уларнинг кўпчилиги доимий яшаш манзиллари бўйича ишга жойлашишни маъқул кўришган. Ёш мутахассислар учун ташкил этилган навбатдаги ярмаркада туман бўйича 20 та корхона ва ташкилот 1200 та бўш иш ўринларини таклиф этмоқда. Бу асосан йирик ишлаб чиқариш корхоналари, шунингдек яқинда иш фаолиятини бошлаган хизмат кўрсатиш соҳасида ихтисослашган субъектлардир. Ният қиламизки, шаҳримиз аҳолиси, айниқса ёшларимиз ушбу икки кунлик ярмаркада ўз касблари ва мутахассисликлари бўйича иш топишга эришадилар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ташкилотчилар мазкур тадбирга кўпроқ аҳоли иштирокини таъминлаш ва албатта, икки томон — иш берувчилар ва иш қидирувчилар эҳтиёжини тўла даражада қондириш мақсадида барча шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, туман ҳокимликларининг маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда «Мерседес» русумли автобуслар қатновини туман ва мавзелар кесимида ташкил этгани кўпчиликка қулайлик яратгани, шубҳасиз.

Дарҳақиқат, бундай саъй-ҳаракатлар самарали натижалар билан ўз ифодасини топмоқда. Шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармасидан олинган дастлабки маълумотларга кўра, кечанинг ўзида ярмаркага 17.828 киши ташриф буюрган бўлса, 9.460 дан зиёд банд бўлмаган аҳоли ишга йўлланма олган.

**БУГУН** бўш иш ўринлари ярмаркаси ўз ишини соат 18.00 га қадар давом эттиради.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

**СУРАТЛАРДА: Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркасидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

# ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

# ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЙИРИК МАЪРИФАТ МАСКАНЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни такомиллаштиришга оид вазифалар белгилаб берилган. Ушбу ҳужжат мамлакатимиз кутубхона тизимини тубдан ислоҳ қилишда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда кутубхона ишига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда.**

Қисқа вақт ичида мамлакатимиз кутубхона тармоғи тўлиқ қайта ташкил этилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли 5748 та кутубхона Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфига ўтказилди. Вилоят илмий-универсал кутубхоналари, шунингдек, Тошкент шаҳар марказий кутубхонаси негизида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига қарашли 14 та ахборот-кутубхона маркази ташкил этилди.

Янги ахборот технологияларини жорий этиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар малакасини ошириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Пойтахтимизда энг кўҳна кутубхоналардан бири – Тошкент вилоятининг ҳозирги "Турон" ҳамда Тошкент шаҳрининг "Билим" ахборот-кутубхона марказлари жойлашган.

Тошкент вилоятининг "Турон" ахборот-кутубхона маркази 1913 йилда бир гуруҳ маърифатпарварлар томонидан ташкил этилган эди. 1918 йилда у мустақил муассаса сифатида фаолият кўрсата бошлади. Дастлаб мазкур кутубхонада соҳалар бўйича кичкина фонд бўлган. Аввал "Миллий кутубхона" номи берилган ушбу маърифат маскани фонди асосан кутубхоначиларнинг саъй-ҳаракати, шунингдек, ўша даврда фаолият кўрсатган маърифатпарварлар томонидан топширилган китоблар ҳисобидан бойитилган. Ўша йиллари кутубхона 39 та газета, 73 номдаги журнал олиб турган. 20 йил мобайнида унинг фонди 20 минг нусхага кўпайган.

Айни пайтда "Турон" ахборот-кутубхона марказининг китоб фонди 381 мингтадан ошади. 2 минг нафардан ортиқ доимий китобхонга эга. Ўз вақтида Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Ойбек, Шуҳрат, Саид Аҳмад каби кўплаб таниқли ёзувчилар ушбу кутубхона хизматидан фойдаланган. Ўтган асрнинг 50-йилларида бу ерда шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатадиган "Сайёр" кўчма кутубхона ҳам ташкил этилган.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** шаҳримиздаги «Машинасозлар» маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Инсон онги ва миллий мафкура» деб номланди.

✓ **КЕЧА** «Алоқачи» ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳида Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида «Гулхан атрофида биргаликда» мавзуида адабий кеча ва концерт дастури уюштирилди.

✓ **ЎТГАН** куни Юнусобод туман ҳокимлигида туман фаоллари иштирокида туман ҳокимлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилган тадбир «Одам савдоси: ҳушёр ва огоҳ бўлинг» деб номланди.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси ташаббуси билан ўтказилган семинар-тренинг тадбиркорлар малакасини оширишнинг аҳамиятига бағишланди.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Қарши шаҳрида «Соғлом она—соғлом бола» мавзусини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Журналистлар ижодий уюшмаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда Республика репродуктив саломатлик маркази, Республика скрининг маркази, тегишли бошқарма ва идоралар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.**

**• Самарқандда «Мафтункор ранглар олами» республика кўрик- танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда 20 дан ортиқ имконияти чекланган болалар ўз ижодий ишлари билан қатнашдилар.**

**• Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги Хўжаобод қишлоғилик тадбиркор Мавлудахон Йўлбарсова тикувчилик цехини ишга туширди. Ҳозирда цехда мактаб ўқувчилари учун турли кўринишдаги бежирим сумкачалар тайёрланиб, «Мактаб бозори»га етказиб берилмоқда. Эътиборли томони шундаки, янги цехнинг ишга тушиши натижасида 45 нафар хотин-қизлар доимий иш жойига эга бўлдилар.**

**• Қашқадарё вилоятида Микрокредитбанк томонидан «Банк маблағлари—тадбиркорлик, бунёдкорлик ва гуллаб-яшнаш хизматида» мавзуидаги кўргазмали семинар уюштирилди. Унда банкнинг вилоят филиаллари раҳбарлари, хусусий бизнес вакиллари, фермерлар ва ОАВ ходимлари қатнашди.**

**• Фарғона вилоятидаги «Ферг Гламур Дизайн» хусусий фабрикаси янги ўқув мавсумига ўқувчилар учун янги ассортиментдаги ўқув формасини тайёрлади. Гап шундаки, баҳорда Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси энг яхши мактаб формаси учун танлов эълон қилган эди. Юқоридаги фабриканинг ўқув формасини нафақат ота-оналар ва педагоглар, балки модельерлар ва маҳаллалар йиғинлари вакиллари ҳам маъқулладилар. Ҳозирда 5 мингта ўқувчи учун мактаб формалари тайёрлаб қўйилган.**

**• Оҳангарон шаҳрида Германиянинг «Steinert Industeies Gmbh» корхонаси киритган инвестиция ҳисобига TERMO DOM масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади. Йилига 20 миллион дона ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу заводнинг ишга туширилиши туфайли юзга яқин янги иш ўринлари яратилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Молдовада бўлиб ўтган парламент сайловларида берилган овозларнинг 76 фоизи ҳисоб-китоб қилингач, 45,9 фоиз овоз билан коммунистлар партияси етакчилик қилмоқда.**

**• Тожикистон, Афғонистон ва Покистон президентлари минтақавий хавфсизлик масалаларини муҳокама қиладилар.**

**• Ироқ Курдистонида ўтказилган сайловларда мамлакатнинг амалдаги раҳбари Маъсуд Барзани кейинги муддатга қайта сайланди.**

**• Испания шимолида жойлашган Бургос шаҳридаги Фуқаро гвардияси казармаси олдида портлаш содир этилди. 200 килограмм миқдордаги портловчи моддалар жойланган машинанинг бино ёнида портлатилиши натижасида 64 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди, казарма ҳам жиддий зарар кўрди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари мазкур қўпорувчилик ҳаракатининг ЭТА айирмачилар гуруҳи жангарилари томонидан амалга оширилганлигини таъкидладилар.**

**• Улкан молиявий пирамида ташкил этган фирибгар Б.Мэдоффнинг турмуш ўртоғига 45 миллион долларлик даъво аризаси берилди.**

**• Ироқ ҳукумати қўшинлари мамлакат ҳудудидаги эронлик қочоқлар қароргоҳини қамал қилиб олди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қароргоҳ шу пайтгача АҚШ армияси ҳимоясида бўлиб, у ерда 3,5 киши истиқомат қилиб келаётганди. Айни пайтга келиб ҳудуддаги назоратни Ироқ қўшинлари ўз қўлига олди.**

**• АҚШ маъмурияти ва фармакологлари дунё бўйича кенг тарқалиб бораётган A/H1N1 вирусига қарши яратилган вакцинани кишиларда синаб кўриш учун хоҳловчиларни бу жараёнда иштирок этиш учун чақирди. Ушбу клиник синовда ёшлардан тортиб кексаларгача — минг нафар хоҳловчи иштирок этиши лозим. Янги вакцина билан эмлашнинг август ойидан амалга оширилиши кўзда тутилган.**

**• Қримда ҳордиқ чиқараётган ёшлар ташкилотларининг фаоллари томонидан Украинанинг НАТОга киришига қарши норозилик тадбири бўлиб ўтди.**

# ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЙИРИК МАЪРИФАТ МАСКАНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тошкент шаҳрининг собиқ марказий кутубхонаси – ҳозирги "Билим" ахборот-кутубхона маркази 1933 йилда ташкил этилганида китоб фонди 10 мингтадан ошмас эди. 1972 йилда унинг фонди 48,6 минг китобга етгач, марказий кутубхона мақомига эга бўлди. 1977 йилда кутубхона шаҳар кутубхоналари марказлаштирилган тизимининг Марказий кутубхонасига айланди ва унинг таркибига 11 филиалга эга 6 та туман кутубхонаси киритилди. 1985-1989 йилларда у Чилонзор туманида жойлашган ҳозирги бинога кўчирилди. Бугунги кунда "Билим" ахборот-кутубхона маркази фондини 106 мингдан ортиқ нашр ташкил қилади ва 3 минг нафардан ортиқ доимий китобхони бор.

Ҳар икки ахборот-кутубхона маркази Тошкент шаҳри ва вилоятидаги ахборот-ресурс марказлари ҳамда кутубхоналари учун услубият маркази вазифасини ҳам ўтайди. Пойтахтимиздаги "Билим" ахборот-кутубхона маркази капитал таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. Бу ерда локал компьютер тармоғи фаолият кўрсатмоқда, марказнинг ўз веб-саҳифаси мавжуд. Ўқиш зали компьютер техникаси билан жиҳозланган, китобхонлар Интернет ва ZyeNet тармоғидан фойдаланиш имконига эга.

"Турон" ахборот-кутубхона маркази томонидан вилоятлардаги мактаблар, коллежлар, лицейлар ахборот-ресурс марказлари, шунингдек, қатор вазирликлар кутубхоналари билан доимий услубий ишлар амалга оширилади.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили доирасида турли тадбирлар – кўчма кўргазмалар, библиографик шарҳлар, адабий кечалар ва ёзувчилар билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Ахборот-ресурс марказлари кутубхоначилар учун турли хил услубий материаллар, тавсиялар, эсдаликлар тайёрламоқда. Кўчма кутубхоналар, кўргазмалар ташкил этиб, жойларда анъанавий кутубхона йўналишлари ва ахборот технологиялари соҳасида маслаҳатлар бермоқда. Мазкур марказлар ходимлари Тошкент ахборот технологиялари университетида, Республика ахборот-кутубхона маркази ҳузуридаги турли ўқув курсларида ўз малакасини оширган.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда кутубхона тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли, изчил ишлар бераётган юксак самаралардандир.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**Ёшлар эл таянчи, келажак эгаларидир. Бугунги кунда уларнинг фаоллиги, ташаббуси, меҳнати самараси ҳар қадамда сезилиб туради десак адашмаймиз.**

Ёшлар ташаббуси

# ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Жонажон Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда қадимий ва навқирон пойтахтимизнинг 2200 йиллик тўйини муносиб ўтказиш борасида олиб борилаётган тайёргарлик ишларида ҳам ёшларнинг иштироки бўлакча.

Шу кунларда эса "Камолот" ЁИҲ сафига бирлашган минглаб пойтахтлик ўғил-қизлар "Тошкент шаҳрим – гўзал маконим" шиори остида жойларда ободонлаштириш ишларида жонбозлик кўрсатишмоқда.

— Мақсад – барчамиз учун бирдек қадрдон шаҳримизнинг янада обод ва гўзал бўлишига ҳисса қўшишдир Албатта, бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз маҳаллаларда, корхона-ташкилотларда, қолаверса, республикамизнинг барча минтақаларида ўз ифодасини топади деган умиддамиз. Яхши ният билан бошланган ташаббус эса, шубҳасиз, ўз самарасини беради. Кўчаларимиз, маҳаллаларимиз, шаҳарларимиз, жаннатмакон юртимиз янада чирой очиб, фусункорлиги билан биз ёшларни янги-янги ишларга ундайверади, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман бўлими раиси Диляра Мелдебекова. – Маҳаллалар ҳудудидаги тартибсиз жойларни тозалаш, кўкаламзорлаштиришдан ташқари, ўзгалар кўмагига муҳтожларга, умуман кекса авлод вакилларига ҳам баъзи ижтимоий масалаларда амалий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилаяпмиз.

Камолотчилар томонидан катта ҳажмдаги белгиланган ишлар амалга оширилганини кузатиш мумкин. Жумладан, «Хадра», «Шофайзи боғи», «Ўрда», «Сузукота», «Жарариқ», «Исломобод» каби 10 дан зиёд маҳалла ҳудудидаги кўплаб кўча ва хонадонларда ҳашарлар уюштирилди. «Кохота» маҳалласида эса ободонлаштириш ишлари икки йўналишда олиб борилди. Камолотчилар сафига Тошкент Давлат техника университети қошидаги академик лицей ўқувчилари ҳамда маҳалла ўсмирлари қўшилиб, ҳудуддаги барча кўча ва ариқлар, яккаёлғизлар ҳовлилари тозаланди. Меҳнатдан ҳормай-толмайдиган ёшларимиз маҳалла фуқаролар йиғини томонидан рағбатлантирилди.

"Тошкент шаҳрим – гўзал маконим" ташаббуси остида ёшларимиз томонидан яна ўнлаб маҳаллаларда тозалик тадбирларини ўтказиш режалаштирилган.

**Зебунисо НАЗИРОВА,**
**ЎзМУ журналистика факультети талабаси**

# ЖИЗЗАХЛИК ЁШЛАР — ТОШКЕНТДА

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Жиззах вилоят бўлими кенгаши ташаббуси билан «Биз бунёдкор ғоялар тарафдоримиз» шиори остида ҳаракатнинг 80 нафар фаол аъзоларининг Тошкент шаҳрига саёҳати уюштирилди.**

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги, шунингдек, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан халқимиз, айниқса ёшларни мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари билан таништиришга йўналтирилган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Хусусан, бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан амалиётга татбиқ қилинаётган бир қатор лойиҳаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу каби саёҳатлар ўқувчи ёшларнинг таътил кунларини мароқли ва фойдали ўтказиш мақсадида ташкил этилаётир. Фаол ёшлар иштирокида Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива сингари шаҳарларга сафар уюштирилаётгани ҳам шулар жумласидандир.

Ҳаракатнинг Жиззах вилояти бўлими кенгашининг фаол аъзолари даставвал Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар. Сафар давомида жиззахлик ёшларнинг турли фанларга оид билимларни мукаммал ўзлаштирганликлари, хусусан, хорижий тилларни пухта эгаллаганликлари маълум бўлди. Улар Корея давлатидан келган бир гуруҳ сайёҳлар билан бемалол тил топишиб, дўстона муносабатга киришиб кетишди. Улар кореялик сайёҳлар билан инглиз ва корейс тилларида сўзлашиб, Мустақиллик майдонидаги "Бахтиёр она" ҳайкали тўғрисида маълумотлар беришди.

Сўнгра, жиззахлик ёшлар Ҳазрати Имом мажмуасига йўл олишди. Мажмуадан жой олган Бароқхон мадрасаси, бу ердаги халқ ҳунармандчилиги намуналари ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Сафар иштирокчилари мажмуада амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар. Миллий ва замонавий услубда барпо этилган масжид ва мадрасалар уларда катта таассурот қолдирди. Ёшлар шу куни Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Шаҳидлар хотираси мажмуида ҳам бўлдилар.

**"Туркистон-пресс"**



**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маҳаллаларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, фаолиятини янада такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

# МАҲАЛЛАНИНГ ФАОЛ МАСЛАҲАТЧИСИ

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ юртимиздаги маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Навқирон авлодни тарбиялашда маҳаллаларнинг том маънодаги меҳр-мурувват, эзгулик масканига айланишида, оилалардаги тинчлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашда уларнинг ҳам ҳиссаси катта.

Бундай жиҳатлар пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги "Янгиобод" маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Манзура Валиева фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Саккиз минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган ушбу маҳаллада ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, алоҳида эътиборга муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, миллий қонунчилигимизнинг аҳамияти, мазмун-моҳиятини тушунтиришда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маҳалла маслаҳатчиси ва фаолларининг ҳиссаси катта.

– Давлатимиз раҳбари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеини янада оширишга кўрсатилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда. Жумладан, бизнинг маҳалламиз қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб, янада файзли, обод ва кўркам бўлиб бормоқда, – дейди М.Валиева. – Бу ерда барпо этилган маҳалла гузари, болалар спорт майдончаси қайта таъмирланиб, шинам ва замонавий кўринишга эга бўлган таълим-тарбия, шифо масканлари бунинг далилидир. Ёшлар маркази маҳалла йигит-қизларининг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, уларни турли ихтисосликларга йўналтириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга хизмат қилаётир.

«Янгиобод»да йигит-қизларни иш билан таъминлаш, хотин-қизларни касаначилик меҳнатига жалб этиш маҳалла фаолларининг доимий диққат марказида. Ҳозир маҳалладаги қирқ нафарга яқин хотин-қиз чеварлик, зардўзлик бўйича касаначилик асосида ишламоқда.

Маҳаллада пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан тарихчи олимлар, археологлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида турли учрашувлар, давра суҳбатлари, иқтидорли ёшлар учун эса «Сиз Тошкент тарихини биласизми?», «Тошкент шаҳрим – менинг фахрим» мавзуида ижодий кўрик-танлов ва викториналар ўтказилмоқда. Маҳалла ҳудудини ободонлаштириш бўйича мунтазам иш олиб борилмоқда. Аҳолининг барча қатламлари – ёшлар, нуроний отахон ва онахонларгача бунда фаол иштирок этмоқда. Кўча ва хиёбонларга уч минг тупдан ортиқ мевали, манзарали дарахт, арча, гул кўчати ўтказилди, ариқ ва зовурлар тозаланди.

Фарзандлар тарбияси доимий эътиборда. Мактаб-маҳалла-оила ҳамкорлиги узвий йўлга қўйилган. Маҳалладаги ҳеч бир ўғил-қиз эътибордан четда эмас. Ёш авлоднинг вақтини унумли ташкил этиш, уларнинг мактабда олган билимини янада мустаҳкамлаш, истеъдодини кашф этиш, касбга йўналтиришда турли бадиий, спорт, экология, меҳнат таълимига оид тўгараклар фаолияти йўлга қўйилгани яхши самара бермоқда.

Асли касби шифокор бўлган, оилада икки қиз, тўрт набирани тарбиялаб вояга етказган Манзура Валиеванинг ибратли фаолияти, илғор иш тажрибаси юртимизда ўтказилган кўплаб ижодий танловлар, илмий-амалий семинарларда алоҳида эътироф этилган. "2008 йилнинг энг фаол маҳалла тарғиботчиси", "Барҳаёт анъаналар этади давом", "Энг намунали маслаҳатчи" каби республика кўрик-танловларида совринли ўринларни эгаллаган.

Шу кунларда «Янгиобод» маҳалласи аҳли Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллик байрамига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Байрам арафасида истиқлолимизнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини ёшлар онгу шуурига чуқур ва таъсирчан тарзда сингдириш мақсадида олимлар, маънавият тарғиботчилари, ёзувчи ва шоирлар иштирокида турли давра суҳбатлари, анжуманлар, ижодий учрашувлар ташкил этилмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёши улуғ кишилар ҳолидан хабар олиниб, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**



# УЛУҒ САЛТАНАТ

*(Тетралогиянинг "Мироншоҳ Мирзо" номли учинчи китобидан айрим боблар)*

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси,**
**Давлат мукофоти лауреати**

*(Давоми. Боши ўтган сонларда).*

*Ҳамон Тўхтамишхон муаммоси томоққа тиқилган сўнгакдай олдинда турибди. Жўжи улуси бақувват, шаҳарлари гуркираган... Истаган пайтда салтанатнинг ё у бурчагидан, ё бу бурчагидан тажовуз уюштиришлари мумкин.*

*Фарзандлар, набиралар камолидан қувониш... Бибидан фарзанд... кутишди. Дилшод оқа ўғил туғди, лекин она ҳам, ўғил ҳам бирин-кетин оламдан ўтишди... Суйгани Туман оқага уйланганидан сўнг, ўн тўрт йил ўтди, ҳозиргача бирор зурёд дараги йўқ.. Айрим малика ва жориялардан кўрган фарзандлари чақалоқлигида нобуд бўлдилар. Энди умид гўзал малика Чўлпон Мулк оқадан..."*

*Ҳа, пошшолиқ ҳам бандасига яратганнинг бир синови экан! Кошкийди, имкон топилса-ю юртда фақат боғ-роғлар қилиш, қасру иморатлар қуриш, йўллар солиш, тижорату зироат ишларига ривож бериш, тўйлар ўтказиш, етим-есирлар бошини силаш, хайру садақалар улашиш каби эзгу юмушлар этагидан тутса киши!.. Шундай замонлар келармикин?.. Мана, Кешда маҳобатли Оқсарой қурилиши давом этяпти... Қани энди, Амир Темур ўша ерда иш тепасида турса, салтанатнинг энг катта биноси бўй-бастини кўриб қувониб, боши кўкка етса... Сарой ҳам тезроқ битарди. Тошкандда, Андижон ва Марғинонда тикланаётган мадрасалар... Чиноз яқинида Сирдарё устига қурилаётган кўприк... Самарқанд атрофида ҳозирча тўққизта боғ гуркираб турибди, "Боғи Биҳишт", "Боғи Чинор", "Боғи Давлатобод", "Боғи Баланд" ва бошқалар...*

*У бир пайтларги Бойсун ҳодисасини эслади. Амир Темур ҳали давлат маснадига ўлтирмаган паллалар... Амир Ҳусайннинг қора ниятли одамлари ясовурийлар қабиласи лашкарини фитнага чорлашга уринаётганликлари аниқ сезилди. Амир Жоку барлос маслаҳат солди:*

*— Дарҳол бу фитначиларни тутмоқ керак! Фитначи бир жазога лойиқ топилса, фитнага чорлаган икки жазога муносибдур!*

*Аббос баҳодир ҳам уни қўллаб-қувватлади, у "Ҳозироқ бориб ўша фитначиларни қўл-оёғини боғлаб олиб келингизлар!" деган фармонни эшитишига асло шубҳа қилмасди. Чунки Амир Темурнинг дунёда энг ёмон кўрган нарсаси, бу – фитна! Бироқ икки амир соҳибқироннинг оқибати аниқ кўриниб турган таклифга розилик бермаганидан таажжубландилар.*

*— Давлатимизнинг бошланғич кунларида, истиқлолимиз баҳорида турибдурмиз. Агар у фитначиларни қўлга олсак, бошқа кишилар тисарилиб, ёнимизга келишга ҳайиқадурлар, биздан ўзларини четга оладурлар, – деди Амир Темур ўйланиб. – Бу мақбул эрмас. Қайси бир подшоҳ ўз ишини зулму қабоҳат заминига қурса, кишиларга озор етказиш измини тутса, унинг давлати чайқалиб, мувозанатдан чиқадур... Билсунларким, биз ўз салтанатимизни раийятга, одамларга эътибор бериш ва ҳимояга олиш асосида барпо этажакмиз! Шу сабабли ҳамма жойда одамларни юпантириб, хотиржам айлаш йўлидан борғаймиз...*

*Раийятга эътибор бериш, ҳимояга олиш, хотиржам айлаш... Аммо, соҳибқироннинг тан олмай иложи йўқ, мана, йигирма икки йил ўтаётир, ана ўша хотиржамликка эришиш мушкул кечаётир.*

*Эндигина нафас ростлаб турганингда, кимнингдир қайдадир мухолифат изҳор этиб туғ кўтариб чиққанини, қандайдир гуруҳнинг қароқчиликни касб айлаб олиб, Ҳижоз йўлларида бечораларни қақшатаётганини, айрим кўрпасига қараб оёқ узатмаганларнинг ҳатто юртга бостириб кириб, раийят бошига кулфатлар солаётганини, мусулмонларни азобларга гирифтор этаётганини эшитасен... Турли юртларни бошқараётган фарзандлар ҳам ташвиш орттириб турадилар. Яна машварату кенгашлар чақириш лозим, черик чорлаш керак, ўзингни зинҳор ожизу нотавон кўрсатмаслигинг даркор, агар шуни сезсалар, душманлар ҳар тарафдан ёпириладилар ва бўлишиб ейдилар... Рост, ўзингни ҳимоя қилмоқ учун майдонга отилмоғинг, қиличингни маҳкам тутмоғинг шарт! Рўзи азалдан шундоқ... бу таомил ўзгармайди. Афтидан, Оллоҳ таоло осмондан китоб ва тарози қаторида темирни ҳам бекорга туширмаган, темирга ҳеч қачон эҳтиёж камаймайди шекилли, қиличсиз замонлар, чамаси, олисдаги сароб...*

*V*

*Бирдан хаёл шодалари узилди, у чодирга кимнингдир кирганини сезди. Бу шаҳзода Муҳаммад Султон эди. Амир Темур ҳеч нарса демай, суюкли набирасини жон мисоли бағрига тортди, гўёки шаҳзодадан унинг дармонсиз вужудига куч-қувват оқиб кирмоқдайди. Амир Сайфиддин некўз дард илашгандан бери, соҳибқироннинг заъфарон юзига илк марта ҳолсиз табассум югурганини кўрди ва хотиржам оҳиста ташқарига йўналди.*

*— Келдиларму, шаҳзодам?.. – сўради оҳиста соҳибқирон.*

*— Келдим, бобожон, келдим! Не бўлди?..*

*Тоблари қочдиму? Ғафлатда қолибмен... Мана ёнингиздамен!.. – йиғлашдан ўзини базўр тийди шаҳзода.*

*— Оллоҳга шукур... Халлоқи безаволга салламно!..*

*Шу палла хонимлар ва оқаларнинг хабари етди.*

*Кўп ўтмай, Сароймулкхоним, малика Туман оқа, Султон Бахт бегимлар, уларнинг изидан бирин-кетин Шоҳрух Мирзо ва бошқа амирзодалар кириб келишди. Маҳди улё кўзларида ёш лимиллаб, оҳиста соҳибқироннинг бошини силай бошлади, Амир Темур таниш ва меҳрибон қўл тафтини дил-дилидан сезди... Туман оқа билан Султон Бахт бегимлар ўксишганча, беморнинг оёқларини уқалашга тушдилар. Туман оқа маликалар ташрифидан ўзини четга тортиб, бегонасираб турган, қийиқ кўзлари йиғидан қизариб кетган Чўлпон Мулк оқага бир қараб қўйди, аммо ҳеч нарса демади.*

*Меҳрибону оромижонларининг ташрифидан соҳибқироннинг чеҳраси ёриша бошлади. Хуфтонга борганда, бостириб келган сеҳрли уйқу уни элитди. Муолажалар таъсириданми, ҳар қалай, эрталаб туриб, беморликка чалингандан буён биринчи марта сал тўйиброқ ухлаганини билди.*

*— Фақиру мискинларга хайру садақа қилингизлар...*

*— деди Амир Темур Сароймулкхонимга. – Пайғамбар саллалоҳи алайҳи ва салламнинг ҳадисларида айтилмиш-ки, бетобларингизни садақа бериб даволангизлар... Зеро, Оллоҳу латифун биибодиҳи[1]. Оллоҳ бандаларига лутф этгувчидир...*

*(Давоми газетанинг келгуси сонида)*

**1 Қуръони карим.** 42–Шўро сураси, 19-оят.

